



«O'ZMARKAZIMPEKS» AJ
кузатув кенгашининг йиғилиши
2020 йил 17 январдаги
1 сонли баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН»

«O'ZMARKAZIMPEKS»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
USTAVI

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Тошкент – 2020 йил

1-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАҚОМИ

1.1. Жамиятнинг ўзбек тилидаги тўлиқ фирма номи: «O'ZMARKAZIMPEKS» AKSIYADORLIK JAMIYATI.

Жамиятнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи: «O'ZMARKAZIMPEKS» AJ.

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи: АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «УЗМАРКАЗИМПЭКС».

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи: АО «УЗМАРКАЗИМПЭКС».

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи: «UZMARKAZIMPEX» JOINT STOCK COMPANY.

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи: «UZMARKAZIMPEX» JSC.

1.2. Жамиятнинг почта ва юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй.

1.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@umie.uz, pochta@umie.uz.

1.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.umie.uz.

1.5. Кейинги ўринларда «Жамият» деб аталадиган «O'ZMARKAZIMPEKS» aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 14 августдаги ПФ-1212 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 августдаги 318-сонли қарори, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитасининг «Ўзмарказимпекс» ДТСБ ни давлат акциядорлик ташқи савдо компаниясига айлантириш тўғрисидаги 1997 йил 3 декабрдаги 228 к-ПО сонли ва 1998 йил 29 майдаги 79 к-ПО сонли буйруқларига асосан ташкил топган.

1.6. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ушбу устав асосида олиб боради.

1.7. Жамият акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шўъба ёки тобе хўжалик жамиятлари ва Жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ушбу устав билан тартибга солинади.

1.8. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга.

1.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.10. Жамият ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

2-МОДДА.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда топиш ҳисобланади. Жамиятнинг асосий фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- «инжиниринг» туридаги хизматларни кўрсатиш, турли молларни синовини ўтказиш, товар белгиси, бошқа сўзли ва график белгиларини ишлатиш ҳуқуқини тақдим этиш ва сотиб олиш;
- лизинг, факторинг, консалтинг хизматларини кўрсатиш, холдинг ва инвестиция операцияларини ўтказиш;

- шартнома асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маслаҳатлар бериш, ахборот алмашиш ва бошқа хизматларни кўрсатиш;
- хизматлар ва маҳсулотлар, машина, абоб-ускуналар, деталлар, ускуналар ва материаллар импорти;
- бизнес лойиҳаларини режалаштириш ва молиявий таҳлил;
- маҳсулотлар ва хизматлар экспортини амалга ошириш, ушбу маҳсулот ва хизматларни турини кўпайтириш, республика экспорт базасини ривожланишига ёрдам бериш, моллар сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, амалга оширилаётган операциялар самарасини ошириш;
- халқаро келишувлар доирасидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш, ишлаб-чиқаришни халқаро ихтисослаш маслаҳатлари бўйича чет эл ташкилотлари ва фирмалари билан хўжалиқ шартномаларини тузиш, бириктирилган номенклатура бўйича кооперацион алоқаларни ва бошқа турдаги ишлаб-чиқариш ҳамда илмий-техник ҳамкорликларни ривожлантириш;
- чет эл давлатлари, ташкилотларга техник ва иқтисодий кўмак бериш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элда хорижий ташкилот ва фирмалари иштироки билан тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамкорлиги доирасида биргаликда объектлар қуриш;
- чет эл давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни янги шакллари ривожлантириш ҳамда жорий этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш;
- экспорт ва импорт тизимини мукаммаллаштириш бўйича таклифларни ишлаб-чиқариш, экспорт-импорт қилинаётган маҳсулотларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;
- тегишли буюм бозорлари нархларини ўрганиш ва фойдаланиш, экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни топишда, экспорт қилинаётган маҳсулотни техник даражасини ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш бўйича ишни ташкил қилиш учун экспорт базасини тузиш ва уни ривожланишига ёрдам бериш;
- реклама тадбирларини ишлаб чиқариш ва ўтказиш, халқаро кўرғазмаларда, ярмаркаларда иштирок этиш ва уларни ташкил қилиш, манфаатдор корхоналар ва ташкилотларни ахборотлар ва маслаҳат таъминлови;
- Жамият орқали экспортга тақдим этилган машиналар, жиҳозлар, асбоблар ва бошқа шунга ўхшаш товарларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича тадбирларни ўтказишга кўмак бериш ҳамда Ўзбекистон Республикасига Жамият орқали импорт қилинаётган машиналар, жиҳозлар, асбоблар ва бошқа молларга техник хизмат кўрсатиш;
- Жамият манфаатларини ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги ҳудудларда биржа фаолиятини амалга ошириш, ўрнатилган тартибда хорижий валюталарни сотиб олиш;
- ўз номидан ва учинчи шахслар номидан фонд биржаларида ва биржадан ташқари савдоларда қимматли қоғозлар билан, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ муомалалар ўтказиш;
- бириктирилган номенклатура бўйича хизматлар ва маҳсулотлар экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- лицензия, патентлар, «ноу-хау» янги технологиялар ва бошқа илмий-техник фаолияти натижаларини, илмий-техникавий юксалиш соҳасидаги давлат ривожланиши бўйича тасдиқланган режалар ва экспорт-импорт операцияларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўллаш;
- корхоналар ва ташкилотлар топшириғи бўйича дорилар, фармацевтик маҳсулотлар, биопрепаратлар ҳамда жиҳозлар турлари ва хом-ашё экспорти ва импорти;
- дорилар, фармацевтик маҳсулотлар, биопрепаратлар ҳамда тиббий ускуналар ва жиҳозларни кенг қўламли турларини ишлаб чиқаришни ташкил этишда қатнашиш ва кенгайтириш;
- берилган хом-ашёда операциялар ўтказиш;

- халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
 - дарахтдан ишланадиган товарларни ва ёғоч материалларини сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш;
 - қурилиш, таъмирлаш, монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини ташкил қилиш;
 - қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;
 - қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, асаларичилик маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ва сотиш, тайёрлаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сотиш;
 - терини ошлайдиган йўгон таёқларни ва тери хом-ашёларини қайта ишлаш учун кимёвий хом-ашёларни сотиб олиш ва сотиш;
 - нефт маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
 - юридик ва жисмоний шахслардан кўчар ва кўчмас мулкларни Республика ичида ва ташқарисида ўтказиладиган аукцион савдоларида сотиб олиш ва сотиш;
 - улгуржи, тижорат, озиқ-овқат, универсал дўконларни ҳамда супермаркетларни хусусий тармоқларини тузиш;
 - юридик ва жисмоний шахсларга сервис, агентлик ва маркетинг хизматларини кўрсатиш;
 - буюмларни қадоқлаш, брезент, жун ва бошқа канопадан қилинган буюмларни ишлаб чиқариш;
 - муаллифлик ишлари, янги технологик ва илмий ишланмаларни, технологияларни, лицензияларни, муаллифлик ҳуқуқларини, «ноу-хау» ларни сотиб олиш ва сотиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
 - Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарига эски технологик тармоқларини қайта қуриш бўйича шерик танловига кўмак бериш;
 - давлат ичида ва ундан ташқарида юридик шахсларни мулкчилик манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган тартибда юридик хизматларни кўрсатиш.
- Жамият қонунлар билан таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолиятлар билан белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.
- Рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади.

3-МОДДА.

УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акциялар билан бир қаторда умумий миқдори устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаган миқдорда имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

3.4. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори - 13 534 933 500,60 (ўн уч миллиард беш юз ўттиз тўрт миллион тўққиз юз ўттиз уч минг беш юз сўм, олтамиш тийин) дан иборат бўлиб, 99 448 446 (тўқсон тўққиз миллион тўрт юз қирқ саккиз минг тўрт юз қирқ олти) дона номинал қиймати 136,10 сўм бўлган оддий эгасининг номи ёзилган жойлаштирилган акцияларга эга.

3.5. Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида акциялар юридик ва жисмоний шахсларнинг ворислиги ва бошқа сабабларга кўра меросхўрлик бўйича олиниши мумкин.

4-МОДДА.
ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ)
КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Устав фондини (устав капитални) кўпайтириш

4.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Кўшимча акциялар ушбу уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда ушбу уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

4.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

б) Устав фондини (устав капитални) камайтириш

4.9. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.11. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.12. Жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитални) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

5- МОДДА. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЧИҚАРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ

5.1. Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш, уларни рўйхатга олиш, жойлаштириш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ушбу устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

5.2. Жамият акциялар, облигациялар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа турдаги қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақли.

5.3. Жамият акцияларни ва акцияларга алмаштирилувчи қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна бўлиш йўллари орқали тарқатиши мумкин.

5.4. Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда 100 000 000 (юз миллион) дона, номинал қиймати 136,10 (Бир юз ўттиз олти минг сўм, ўн тийин) бўлган эълон қилинган оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

6– МОДДА. ЖАМИЯТ ДИВИДЕНДЛАРИ

6.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.2. Дивидендларни тўлаш манбаи бўлиб, Жамиятнинг солиққа тортилгандан сўнг қолган фойдаси (Жамиятнинг соф фойдаси) ҳисобланади. Жамиятнинг соф фойдаси Жамият бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади.

6.3. Акцияларга тўланадиган дивиденд миқдори акциядорлар умумий йиғилишида аниқланади. Бунда, акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.4. Дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.5. Дивиденднинг миқдори, шакли, тўлаш муддати ва тартиби Жамият кузатув кенгашининг тавсиясига асосан, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақидаги аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Бунда, дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас, тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.6. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.7. Дивиденд олиш ҳуқуқига, дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга.

6.8. Акциядорларнинг айби билан олинмаган дивидендлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди.

6.9. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

6.10. Жамият:

- Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

6.11. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7 – МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

7.1. Жамият томонидан соф фойда ҳисобига заҳира фонди ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фондлар ташкил қилинади.

7.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Заҳира фонди Жамият устав фондининг 15% миқдорида шакллантирилади.

Жамият ҳар йили заҳира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар, соф фойданинг 5% дан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмаларни амалга оширади. Заҳира фонди қисман ёки тўлиқ сарфланганда мажбурий ажратмалар тикланади.

7.3. Жамият бошқа фондларининг таркиби, мақсади, шакллантириш манбалари кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8-МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Акциядорлар:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.2. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва ушбу устав қоидаларига риоя қилиш;
- Жамиятга нисбатан ўзларига белгиланган тартибда олган мажбуриятларини бажариш;
 - Жамият фаолиятига доир махфий ахборотларни ошкор қилмаслик;
 - ўз ҳатти-ҳаракатлари билан Жамиятга зарар ва унинг мавқеига путур етказмаслик;
 - Жамият бошқарув органлари қарорларига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида назарда тутилган меъёрларда амал қилиш;
 - бошқа акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслик.

9 – МОДДА.

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

9.1. Жамият бошқарувининг тузилмаси:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

9.1.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши лозим, бу йиғилиш молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда май ёки июнь ойларида ўтказилади.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуйидагилар киради:

9.6.1. Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият уставига Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

9.6.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

9.6.3. Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

9.6.4. санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

9.6.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

9.6.6. Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан, акцияларнинг бир қисмини уларнинг умумий сонини қисқартириш мақсадида Жамият томонидан сотиб олиш йўли билан, Жамият томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олинган акцияларни муомаладан чиқариш йўли билан камайтириш, шунингдек, Жамиятнинг устав фондиди камайтириш тартибини белгилаш;

9.6.7. ўз акцияларини олиш;

9.6.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколат муддатини узайтириш, шунингдек,

Бошқарув раиси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9.6.9. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларини ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, шунингдек, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. кузатув кенгашининг аъзоларига ва тафтиш комиссиясининг аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

9.6.10. Миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9.6.11. Жамият органлари (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, коллегиял ижроия органи, миноритар акциядорлар кўмитаси, тафтиш комиссияси) фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички хужжатларни тасдиқлаш;

9.6.12. Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига кирадиган масалалари юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

9.6.13. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бухгалтерия ҳисоб-китобини, жумладан, Жамиятнинг фойда ва зарарлар варағини тасдиқлаш;

9.6.14. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш, жумладан, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра дивидендлар тўламаслик ёки тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида дивиденд миқдори, тўлаш муддати, уни тўлаш шакли ва тартибини аниқлаган ҳолда қарор қабул қилиш;

9.6.15. имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

9.6.16. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартибини аниқлаш;

9.6.17. ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам максимал миқдорини аниқлаш. Бунда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамга Жамиятнинг ҳар йилги харатжатлари ўтган йилнинг соф фойдасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим ва Жамият бизнес-режасининг кўрсаткичлари олдинги ҳисобот йилнинг соф фойда қисмида бажарилган бўлса амалга оширилади;

9.6.18. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

9.6.19. қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда қарор қабул қилиш;

9.6.20. қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳамда қарор қабул қилиш;

9.6.21. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

9.6.22. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кам ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.6.23. қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун хужжатларига кўра ваколат доирасига киритилмаган масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

9.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори,

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.10. Ушбу Устав 9.6.-бандидаги 9.6.1.-9.6.3., 9.6.5., 9.6.12., 9.6.19, 9.6.20 қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.12. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.16. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.17. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.19. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

9.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.21. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

9.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.23. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказишнинг бошқа масалалари қонунчилик меъёрлари, Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом» билан мувофиқлаштирилади.

10 – МОДДА.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва ушбу устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари 7 (етти) кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

10.3. Жамият кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширади.

10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

10.4.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

10.4.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

10.4.3. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликка мувофиқ ҳал қилиш;

10.4.4. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

10.4.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

10.4.6. қонун ҳужжатларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

10.4.7. Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

10.4.8. Жамият Бошқаруви аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколат муддатини узайтириш, шунингдек, Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10.4.9. Жамият Бошқаруви раиси томонидан ўз вазифаларини узоқ вақт ёки ноаниқ давр мобайнида бажариш имконияти бўлмаган, шунингдек ҳар қандай асосларга кўра, Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолларда, Жамият Бошқаруви раиси функциясини бажарувчи Жамиятнинг мансабдор шахсини аниқлаш;

10.4.10. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;

10.4.11. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш ҳамда ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

10.4.12. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.4.13. Жамият фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

10.4.14. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш комиссияси томонидан текшириш тўғрисида ташаббус билан чиқиш;

10.4.15. Тафтиш комиссиясининг Жамиятда аффилиланган шахслар билан ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосасини, шунингдек, бундай битимларни тузиш бўйича қонун талабларини ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилинишини ҳар чоракда кўриб чиқиш;

10.4.16. Жамиятнинг тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори бўйича тавсиялар бериш;

10.4.17. йиллик ҳисоботни, йиллик бухгалтерия ҳисоб-китобини, жумладан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда тасдиқлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

10.4.18. Жамиятнинг заҳира фондидан фойдаланиш, шунингдек, Жамиятнинг бошқа фондларининг миқдори, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.4.19. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш (тугатиш) ва ваколатхоналарини очиш (ёпиш);

10.4.20. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

10.4.21. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда қарор қабул қилиш;

10.4.22. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳамда қарор қабул қилиш;

10.4.23. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштирок этиши ва иштирокини тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

10.4.24. Жамиятнинг устав фондидан кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондидан кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

10.4.25. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

10.4.26. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.4.27. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул

қилиш;

10.4.28. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.4.29. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

10.4.30. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

10.4.31. аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

10.4.32. тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши ҳузурида қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил қилиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга мувофиқ бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунида ва ушбу уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ушбу уставнинг 10.4.-моддасининг 10.4.21. – бандостида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

10.6. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади, бунда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.8. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади (қайта сайланади).

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгаши раисининг ташаббусига кўра, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорларининг (акциядорнинг), ушбу уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра, кузатув кенгашининг тасдиқланган иш режасига мувофиқ, шунингдек, кузатув кенгашининг аввалги мажлисларидан бирида аниқланган кейинги мажлиснинг куни (муддати) ва кун тартибини инобатга олган ҳолда чақирилади.

Кузатув кенгаши мажлиси, зарурият туғилган ҳолларда, йил чорагида камида бир

марта ўтказилади.

10.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан камайган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, Жамият Бошқарув раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.11. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, қарорлар Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

10.12. Кузатув кенгашига тайёргарлик кўриш ва қабул қилинган қарорларни расмийлаштириш қонун ҳужжатлари ва «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» Низом билан белгиланади.

11 – МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ (БОШҚАРУВ) ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш Бошқарув раиси томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви ушбу Уставга мувофиқ бир йил муддатга тайинланадиган (сайланадиган) 4 аъзодан ташкил топади.

11.2. Жамият Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади (тайинланади), Бошқарув аъзолари (бошқарув раисидан ташқари) эса Жамият кузатув кенгашининг қарорига асосан лавозимга сайланади (тайинланади).

Бунда, Бошқарув раисини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.3. Бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисидаги шартнома (контракт) акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига асосан тузилади (узайтирилади) ёки тугатилади (тўхтатилади).

11.4. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан Жамият номидан шартнома Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.5. Жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилганда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланишига, Бошқарув раисини сайланадиган акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунга қадар йўл қўйилади.

11.6. Жамият Бошқаруви ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган «Бошқарув тўғрисидаги Низом»га биноан амалга оширади.

11.7. Жамият Ижроия органининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини амалга оширади ва ташкил қилади.

11.8. Жамият Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

11.8.1. Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

11.8.2. Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг

лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

11.8.3. Жамиятнинг ички меъерий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишини ва Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритиладиган масалалар бундан мустасно;

11.8.4. Жамият шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

11.8.5. Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

11.8.6. Жамиятнинг ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

11.8.7. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнесрежада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

11.8.8. конун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

11.8.9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

11.8.10. ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият Бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин).

11.8.11. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади.

11.8.12. Ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

11.8.13. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

11.8.14. Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

11.8.15. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

11.8.16. Жамиятнинг Бошқаруви, конун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг меъерий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.9. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

11.9.1. ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

11.9.2. Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

11.9.3. Давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

11.9.4. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

11.9.5. Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва

улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;

11.9.6. Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;

11.9.7. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларинилавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

11.9.8. Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалини тасдиқлайди;

11.9.9. Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, мулк шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

11.9.10. Банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

11.9.11. Ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

11.9.12. Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришни таъминлайди;

11.9.13. Жамият номидан амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ишончномаларни беради;

11.9.14. Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

11.9.15. Жамият Бошқарув раиси, қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.10. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва Жамият билан тузилган шартномалар билан белгиланади.

11.11. Бошқарув мажлисларини чақириш ва ўтказиш, унинг қарорларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби, шунингдек, Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги «Бошқарув тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

11.12. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутишлари шарт, ҳамда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

11.13. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият Бошқаруви аъзолари вакилларнинг Жамият Бошқарувида аъзолар сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

12-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамиятнинг ушбу Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши 1 йил муддатга таркибида 3 аъзо бўлган тафтиш комиссиясини сайлайди.

12.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва ушбу устав билан белгиланади. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳақидаги низом билан белгиланади.

12.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

12.5. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

12.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг Бошқарувида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

б) Ички аудит хизмати

12.7. Жамиятда, кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва унга ҳисобдор, Ички аудит хизмати ташкил этилади.

12.8. Ички аудит хизмати Жамият Бошқаруви, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқарувини, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

12.9. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ва Жамият ички аудит хизмати ҳақидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти

12.10. Жамият ташқи (мустақил) назоратни амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотини жалб қилади, аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади.

Аудиторлик ташкилотини танлаш, унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш кузатув кенгаши томонидан танлов асосида амалга оширилади.

13-МОДДА. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу Уставга киритилаётган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар, агарда улар ёзма равишда қилинган, Жамиятнинг ваколатли органлари билан тасдиқланган ва тегишли давлат органида рўйхатга олинган тақдирдагина, қонуний кучга эга бўладилар.

13.2. Агарда ушбу Уставнинг айрим бир банди ўз кучини йўқотса, бу ҳолат Уставнинг бошқа бандларини кучини йўқотишга олиб келмайди.

13.3. Ушбу Устав билан ҳал этилмаган масалалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан ҳал этилади.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"O'ZMARKAZIMPEKS" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"O'ZMARKAZIMPEKS" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.01.1999

04-0000798

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil);

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201281871

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, MUSTAQILLIK SHOX KO'CHASI.,
59-UY.,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi);

